

**ОНА ТИЛИ ТАЪЛИМИДА НУТҚИЙ КЎНИКМАЛАРНИ
РИВОЖЛАНТИРУВЧИ ЎҚУВ ТОПШИРИҚЛАРИГА МУСТАҚИЛ
ЁНДАШИШ**

Бурханов Завқиддин Шерали ўғли

Жizzah давлат педагогика университети ўқитувчиси

Сулаймонова Ўғилой

Жizzah давлат педагогика университети Ўзбек
тили ва адабиёти йўналиши З босқич талабаси

Таянч сўзлар:

прагматик ёндашув, нутқий кўникмалар, нутқ сўзлаш, англаш, фаҳмлаш, иншо ёзиш, халқаро баҳолаш, ўқитиш методикаси, ўқув топшириқлари.

Ключевые слова: прагматический подход, речевые навыки, говорение, понимание, устный перевод, написание эссе, Международная оценка, методика преподавания, учебные задания.

Key words: pragmatic approach, speech skills, speaking, understanding, interpretation, essay writing, International assessment, teaching methods, training tasks.

Жаҳонда тил ўқитиш методикаси кейинги йилларда бир қатор ютуқларни қўлга киритмоқда. Бунинг натижасида жамиятнинг ижтимой-иқтисодий соҳаларида муайян ривожланишлар, ислоҳотлар содир бўлмоқда. Зоро, тил мулоқот воситаси сифатида барча йўналишларнинг тараққиётига таъсир қиласи, шунинг учун ҳам уни ўқитиш масаласи доимо долзарб ҳисобланади. Бугун дунё тил ўқитиш методикасига андоза бўлаётган инглиз тили таълими ютуқларидан аксарият мамлакатлар самарали фойдаланиб келмоқда. Кузатишлардан маълум бўлишича, халқаро тил ўқитиш методикасида нутқий кўникмаларни ривожлантириш асосий масалалардан бўлиб, уни амалга ошириш ўқув топшириқлари сифатига кўпроқ боғлиқ бўлмоқда.

Дунёда инглиз, француз, немис ва бошқа ривожланган хорижий тилларни ўқитишга доир илмий адабиётларда ўқув топшириқларининг мазмунига, фойдалилик даражасига алоҳида эътибор берилади ва таълим жараёнида савол, топшириқ ва машқлардан унумли фойдаланилади. Халқаро тажрибада ўқув топшириқлари ўзаро мулоқотнинг самарали бўлишига қаратилади. Амалда фойдаланиладиган ўқув топшириқлари аввалдан белгиланган маълум мезонлар асосида шакллантирилади.

Ўзбекистонда ҳам она тили ўқитиш методикаси компетенциявий ёндашувга асосланмоқда, дарс жараёнида лингвистик компетенцияларни шакллантириш нутқий

компетенцияларнинг ривожланишига олиб келиш кўзда тутилмоқда. Халқаро тажрибалар асосида тил ўрганишга қўйилган аниқ талаблар орқали (тинглаб тушуниш), (гапириш), (ўкиш) ва (ёзиш) малакалари шакллантирилади. Она тил ўқитишида мазкур ёндашувдан бирозижодийроқ фойдаланиш мақсадга мувофиқ, бизнингча. Чунки ўкувчилар тилнинг ташувчилари сифатида муайян нутқий қўникма ва мала- каларга эга бўлган ҳолда мактабга келадилар. Ўкувчиларда она тилидан (улар тининг ташувчилари бўлгани учун) баъзи қўникмаларгина шакллантирилади, асосан, улардаги мавжуд қўникмалар ривожлантирилади. Айниқса, юқори синфларда (5-11) ўкувчилар она тилда матн ёки суҳбатни тинглаб тушунади, ўқий олади, гапира олади ва ёза олади. Бундай вазиятда она тили ўқитиши методикасининг асосий вазифаси ўкувчиларда эшитганларини тўғри тушуна олиш – (англаш), адабий тилда равон ва мантиқан изчил гапира олиш –(нутқ сўзлаш), матнни ўқиб тушуна олиш – (фаҳмлаш) ҳамда тўғри ва мазмунли ёза олиш – (иншо) қўникмаларини ривожлантириш лозим. Бу масъулиятли вазифани, албатта, такомиллаштирилган ўкув топшириқлари орқали амалга ошириш мумкин. Шу маънода она тили таълимидан ўкув топшириқларини ишлаб чиқишининг лингводидактик асосларини такомиллаштириш масаласи ниҳоятда долзарб хисобланади.

Давлат таълим стандартлари ва миллий баҳолаш мезонларига мувофиқ тарзада она тил ўқитишида савол, машқ ва топшириқлар мазмунини танқидий ўрганиш, уларни нутқий қўникма ва малакаларни ривожлантириш ва баҳолаш нуқтаи назаридан тавсифлаш ва таснифлаш зарурати мавжуд.

Мамлакатимизда кейинги йилларда бир қатор она тили ўқитиши методикасига доир илмий-методик тадқиқотлар олиб борилди. Жумладан, таъкидлаш жоизки, Она тили ўқитиши методикасига турли даврларда филолог олимлар ҳам дастур, дарслик муаллифлари сифатида ўзларининг муносиб ҳиссасиларини қўшдилар. Ҳ.Неъматов, Н.Махмудов, А.Собиров, И.К.Мирзаев кабилар шулар жумласидандир. Б.Менглиев она тили таълими мақсади ва мазмунини ишлаб чиққан профессор Ҳ.Неъматов ғояларига таяниб она тили ўқитишида янги – ортиқча грамматизмдан воз кечиб, ўкувчиларда нутқий қўникмаларни ривожлантириш, луғат ва матн асосида миллий тилни, миллий маънавиятни ўкувчи тафаккурига сингдириш, ўкувчини турли нутқ вазиятларига тайёрлаш, ижодий тафаккур соҳибларини тарбиялаш йўналишни бош- лаб берди.

А.Ҳамроев она тили таълимидан таълим олувчининг ижодий фаолиятини лойиҳалаштириш муаммосини тадқиқ қилган.

Бу борада методист К.Мавлонованинг “Она тили фанини адабиёт фани билан бадиий матн орқали интеграциялаб ўқитиши методикасини такомиллаштириш” мав- зусидаги тадқиқот ишини алоҳида таъкидлаш лозим. Олим томонидан она тили таълим мининг бугунги ёндашувларига мос равишда энг мураккаб бўлиб турган матн устида ишлаш, уни ўқий олиш, тушуна олиш ва, энг муҳими, матн яратса олиш қўникмаларини адабиёт

фани билан интеграция қилған ҳолда ривожлантириш тех-нологияси ишлаб чиқылған. Шунингдек, тадқиқот мавзусига доир И.А.Аллаёрөв, О.Р.Розиқов, Р.Ибрагимов, Б.Р.Адизов, М.Ҳ.Махмудов И.Э.Давроновлар томонидан таълим олувчининг ўқув-билув фаолиятини ривожлантириш, унинг фаоллиги ва мустақиллигини тарбиялаш муаммолари ҳам ўрганилган.

Рус педагоглари А.Н.Леонтьев, Ж. А. Пономарев, С.Л.Рубенштейн кабилар ўқув топшириқлари ва уларнинг дидактика туттган ўрни, вазифалари ҳақида куза-тишлар олиб борган. Жумладан, Леонтиев “топшириқ” тушунчасини қўйидагича характерлайди:“Топшириқ – муайян шартларга асосланиб олдинга қўйилган мақсаддир”.

Жаҳон педагогикасида ўқув топшириқларнинг методик, психологик-педагогик тадқиқи билан Австралиялик олим, профессор Жак Ричардс махсус шуғулланган. Шуни таъкидлаш жоизки, ғарб педагогикаси амалийликка асосий эътиборни қаратади. Дастребки прагматик ғоялар американлик файласуф ва педагог Д. Дьюито- монидан ишлаб чиқылған.

Хорижий тажрибалардан ўз вақтида хulosса чиқарган Ҳ.Неъматов когнитив-прагматик ёндашувни Ўзбекистон таълим тизимиға биринчи бўлиб истиқлолнинг дастребки йилларида олиб кирган эди. Мазкур ёндашув ўз вақтида қўллаб-қувватланмади. Шунинг учун ҳанузгача она тили таълимида амалдаги ўқув топшириқлари кутилган самарани бермай келмоқда. Бугунги педагогик, лингводидактик шароит ўқув топшириқларини когнитив-прагматик ёндашув асосида такомиллаштиришни тақозо килади, шунингдек, савол, машқ ва топшириқларни ишлаб чиқишида блум таксаномиясини ҳам инобатгаолиш лозим.

Шу маънода, мазкур диссертация она тили таълимида ўқув топшириқларини такомиллаштиришнинг педагогик, психологик ва лингвометодик заруратларини асослаш, савол, машқ ва топшириқ тушунчаларни прагматик ёндашув асосида тавсифлаш ҳамда уларни вазифаси нуқтаи назардан таснифлаш, амалиётга татбиқ қилиш вазифаларини бажаради.

Бу борада она тили ўқитиши жараёнида прагматик ёндашув асосида такомиллаштирилган савол, машқ ва топшириқлардан фойдаланилганда нутқий кўникмалар ривожланиб, натижада ўқувчиларнинг ўқиши саводхонлиги муайян даражада ошгани аниқланди; ўқув топшириқларини такомиллаштиришда уларнинг вазифавий фарқланиши белгилаб олингани сабабли топшириқ-ўқувчини фикрлашга, ўқув топшириқлари билан ишлашга йўналтириши ва шу билан бирга шаклланган билим кўникма ва малакаларни синаш вазифасини ҳам бажариши асосланди; “савол”, “машқ” ва “топшириқ” тушунчаларга маъно-моҳиятига кўра педагогик, психолого- гик ва лингводидактик жиҳатдан янгича таъриф берилди, қўлланилиш ўринлари, бажарадиган вазифаларига кўра таснифланди; она тили таълимида ўқув материаллари билан

ишилашда матнга, сұхбатдошга вазиятдан келиб чиқиб савол беришнинг даражалари аниқланди, савол түзишга когнитив-прагматик усулдаёндашиш тавсия қилинди; тинглаб тушуниш қўникмаси билан бирга ўқувчида мулоқот вазиятига кўра мурожаат қилиш, гапириш малакаси ҳам баравар ривожланиши лозимлигини назарда тутиб, ўқувчини тўғри ва мантиқли савол беришга ўргатишнинг усул ва воситалари ишлаб чиқилди; педагогик таълимда машқ қўникма ва малака ҳосил қилиш, савол ва топшириқлар бирор амални бажаришга йўналтириш, фикрлашга ундаш ҳамда энг, муҳими, ўзлаштирилган билим, қўникма ва малакаларни синаш, баҳолаш вазифасини бажариши аниқланди.

Хулоса сифатида шуни айтиш мумкинки, ўқув топшириқларини түзишга прагматик ёндашиш она тили таълимида сифат ва самарадорликни таъминловчи асосий омилдир. Ўқувчиларда англаш (tinglab тушуниш) нутқ сўзлаш (гапириш), фаҳимлаш (ўқиб тушуниш) ва иншо (ёзиш) қўникмаларини ривожлантиришга доирметодик тавсиялар тайёрланиб, амалиётга жорий этилганда прагматик ёндашувга асосланган ўқув топшириқлар орқали ўқувчиларда англаш (tinglab тушуниш) нутқ сўзлаш (гапириш), фаҳимлаш (ўқиб тушуниш) ва иншо (ёзиш) қўникмалари муайян даражада ривожлангани аниқланди.

Адабиётлар:

1. Ҳамроев А.Р. Она тили таълимида ўқувчиларнинг ижодий фаолиятини лойиҳалаштириш. Педаго- гика фанлари доктори (Dsc) илм. даражасини олиш учун ёзилган дисс. –Тошкент, 2020. –242 б.
2. Мавлонова К. Она тили фанини адабиёт фани билан бадиий матн орқали интеграциялаб ўқитиш методикасини такомиллаштириш. Пед. фанл. бўйича фал. док. (PhD) илм. дараж. Олиш учун ёзилган дисс. автореферати. –Т.: 2019. -22 б.
3. Рубенштейн С.Л. Проблемы общей психологии. – М.: Педагогика, 1976. -416 с.
4. Леонтьев А.Н. Проблемы развития психики. – М.: Педагогика, 1972. -576 с.
5. Дьюи. Общество и его проблемы. — Перевод с английского: И. И. Мюрберг, А. Б. Толстов, Е. Н. Косилова. М., 2002.
6. Розыков О.Р. Теоретические основы оптимального применения системы учебных задач в обучении школьники (на материалах гуманитарных предметов). Автореферат дисс...док. пед. наук. – Тбилиси, – 1986. -50 с.